

**Франция тараққиёти агентлиги иштирокидаги “Навоий вилояти
Кармана туманида оқова сув тизимларини қуриш”
лойиҳаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

Асос: 2022 йил 18 марта ПҚ-171-сон қарори.

Карз битими: 2022 йил 25 марта имзоланган.

Кредит қиймати: 25,2 млн долл. (24,7 млн евро)

Амалга ошириш муддати: 2022 - 2027 йй.

Амалга ошириладиган ишлар:

- 117,2 км оқова сув тизимини қуриш;
- 21,3 км босимли коллекторлар қуриш;
- 12 та насос станцияси қуриш;
- 9 800 м³/сутка қувватли 1 та оқова сув тозалаш иншооти қуриш.

Эришиладиган натижа:

Жами 14 та МФЙда 54,9 минг аҳоли оқова сув хизмати билан таъминланади. Таъминланганлик даражаси 90,0 фоизга етказилади.

Консультант: “Ислоҳотконсалтсервис” МЧЖ (Ўзбекистон).

Бажарилган ишлар:

- 2022 йилнинг 20 июнда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг Франция тараққиёт банки (FTA) лойиҳаларини бошқариш гурӯҳи филиали ташкил этилди.
- Лойиҳаларни амалга ошириш гурӯҳини техник қўллаб-қувватлаш учун консультант компаниясини ёллаш (SDP/QCBS/01 - грант ҳисобидан).

2 босқичли тендер савдолари якунлари билан 2024 йил 31 январда Consortium SEURECA (Франция), Global business service (Ўзбекистон), SMEC International PTY (Австралия) компанияси билан 1 872 600 евролик шартнома имзоланган (2 та лойиҳа доирасида шартнома бўйича ишлар – 2024 йил 29 февраль куни бошланди, тугаш муддати - 2028 йил 29 июль). 8 феврал куни шартнома Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига рўйхатга олиниб, 2024 йил 26 февралдан кучга кирган.

2024 йил 26 февралда лойиҳа консультантига 374 520 евро аванс тўловларни грант маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун ФТАга сўров юборилган. 2024 йил 22 март куни лойиҳа консультантига аванс тўлови ФАР томонидан тўлиқ ўтказилди. Шартнома бўйича ишлар бошланди.

- Батафсил лойиҳалаш, тендер ҳужатларини ишлаб чиқиш ва қурилишларини техник назорат қилиш (SDP/QCBS/02).

2 босқичли тендер савдолари яқунлари билан 2024 йил 31 январда Consortium SAFEGE Ankara (Түркия), TUMAS (Түркия) компанияси билан **2 412 375 евролик** шартнома имзоланган (2 та лойиҳа доирасида). 21 феврал куни шартнома Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига рўйхатга олиниб, 2024 йил 29 февралдан кучга кирган. Шартнома муддати **18 ой**.

2024 йил 7 марта лойиҳа консультантига **482 475 евро** аванс тўловларини амалга ошириш учун ФТАга сўров юборилган. 2024 йил 26 марта куни лойиҳа консультантига аванс тўлови ФАР томонидан тўлиқ ўтказилди. Шартнома бўйича ишлар бошланди.

Жорий ҳолати:

- **Махсус техника сотиб олиш** (2 та АВР машинаси, 2 та эксковатор) бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилиб, бугунги кунда ФТА билан келишиш ишлари олиб борилмоқда.

Курилиш ишлари қиймати **18,73 млн** долларни ташкил этиб, жами **2 та** пакет доирасида амалга оширилади. Булар:

1-пакет (SDP/RFB/03). Кармана туманида оқова сув тозалаш иншоотини қуриш.

Пакет қиймати – 7,67 млн доллар.

Пакет доирасида кунлик **9,8 минг м³** қувватли оқова сув тозалаш иншооти қурилади.

2024 йил **31** январ куни батафсил лойиҳалаш хужжатларини ишлаб чиқиш учун консультантлар билан шартнома имзоланди.

2024 йил **октябрда** тендерга эълон берилиб, **2025** январ ойида тендер ўтказилиши ва **апрель** ойида ғолиб компания билан шартнома имзоланиб қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилган.

2-пакет (SDP/RFB/04-05). Кармана туманида оқова сув насос станцияларини қуриш, оқова сув тармоқларини қуриш.

Пакет қиймати – 11,06 млн доллар.

Пакет доирасида **12** та оқова сув насос станцияларини қуриш ва реконструкция қилиш, **138,5 км** оқова сув тармоқларини қуриш режалаштирилган.

2024 йил **31** январ куни батафсил лойиҳалаш хужжатларини ишлаб чиқиш учун консультантлар билан шартнома имзоланди.

2024 йил **ноябрда** тендерга эълон берилиб, **2025** феврал ойида тендер ўтказилиши ва **май** ойида ғолиб компания билан шартнома имзоланиб қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилган.